# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 12 июль, № 135 (6065) Шанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдимоти ўтказилди.*

## Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Берлинда тақдим этилди

Элчихона ҳамда **Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциацияси (OMV)** ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Германия ишбилармон доиралари, давлат идоралари ва тижорат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий ривожланиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳозлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш юзасидан республикамиз ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий тараққиёти ҳамда инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари фаолияти ва уларнинг истиқболлари, мазкур ҳудудларда хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ҳамда қулайликлар тақдимот қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши ҳам уларда катта таассурот қолдирди.

**Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциациясининг *(OMV)* ижрочи директори Утэ Кохловски-Каджая** мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш суръатларига юқори баҳо берар экан, республикамизда чет эллик инвесторлар учун жозибали сармоявий муҳит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада кенгайтиришга бўлган қизиқиш тобора ўсиб бораётгани, бундай интилиш кичик ва ўрта бизнес вакилларида кузатилаётгани тақдимот давомида бир неча маротаба айтиб ўтилди. Қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш учун Германия ишбилармон доиралари вакилларининг ўзбекистонлик шериклар билан алоқалар ўрнатишларига кўмаклашиш Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциациясининг устувор вазифалари сирасига киради.

**“LEMKEN” компаниясининг минтақавий менежери Ян Возеик** ўз компаниясининг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилди.

(Давоми 2-бетда).

**Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрар эканмиз, энг аввало, Истиқлол неъматларининг ҳаёт тарзимиз, турмуш даражамиз тубдан ўзгариб бораётгани, орзу, интилиш, қизиқишларимиз рўёбга чиқаётгани, эришаётган муваффақиятларимиз дунё мамлакатлари орасида муносиб эътироф этилаётганида намоён бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Мустақиллик ҳар биримизнинг тақдиримизда бўй чўзмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг оиладаги, жамиятдаги нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани кишини қувонтиради.**

*Хусусан, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болаларни замонавий касб-ҳунарларга йўналтириш, уларни спортга кенг жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш янада юқори босқичга, аниқроқ айтганда, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йилда Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукроналик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.*



## Меҳнатсевар, оқила, ташаббускор

### хотин-қизларимиз юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар

**Юксак эътибор ва ғамхўрлик оғушида**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ — 1991 йил 27 декабрда Президентимизнинг аёллар билан ишлаш тизимини яратиш борасидаги ташаббуси асосида ташкил этилган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид эзгу ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур жамоат ташкилоти томонидан олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар аёллар ҳаётининг янада яхшиланишига, илғор ғоя ва ташаббусларини юзага чиқариш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йилларда ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, аграр соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ўн уч нафар аёл Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига, кўплаб аёллар Давлат мукофотларига сазовор бўлгани том маънода уларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир.

— Бугунги кун аёллари ҳар жабҳада пешқадам, — дейди андижонлик Наргиза Сатторова. — Ўзимнинг мисолимда айтадиган бўлсам, ўтган даврда педагогикага оид бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар яратдим. Асака тиббиёт коллежида “Тиббиёт камалаги” унитар корхонасини ташкил этганимиз айни муддао бўлди. Бу ерда чеварчилик фаолияти йўлга қўйилиб, қизларимиз тумандаги тиббиёт ходимлари ва талабаларга махсус иш ҳамда ўқиш кийимларини етказиб бермоқда. Буларнинг барчаси Президентимизнинг биз, аёлларга кўрсатаётган чексиз меҳр ва ғамхўрлиги натижасидир.

Бир ўйлаб кўринг-а, хотин-қизлар илгари ҳозиргидек қадр-қимматга эга бўлганми? Уларга кенг имкониятлар яратилганми? Эсласак, бир пайтлар хотин-қизларнинг педагогика йўналишидаги фаолияти кўпроқ кузатилар эди. Бугун эса барча жабҳаларда эркаклар билан тенгма-тенг хизмат қилаётган опа-сингилларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Очиғи, бундан фахрланасан киши. Айни пайтда ўзим ҳам педагог, ҳам педиатр, ҳам ишбилармон, ҳам тадқиқотчи, ҳам раҳбар, ҳам она сифатида ҳаётда мустаҳкам мавқега эга бўлиб бормоқдаман. Ўзбекистондек хотин-қизларнинг бахти, камолоти, истиқболини кўзлаган мамлакатда яшаётганимдан беҳад фахрланаман.

Албатта, юртимизда амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳам асосий диққат-эътиборидадир. Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунё давлатлари орасида хотин-қизлар учун қулай шароит яратиш, оила, оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

(Давоми 4-бетда).









БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг январь — март ойларида мамлакатимизда замонавий технология асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун**

**150**

**километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди.**

2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастури ижроси юзасидан олиб борилган тизимли ишлар натижасида ана шундай ютуққа эришилди.

## Эркин фаолият самараси

### кичик бизнес вакилларининг бугунги ютуқларида кўзга яққол ташланмоқда

*Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида алоҳида таъкидланганидек, шу қисқа муддат ичида республикамизда 7300 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Бу юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.*

НИГОҲ

Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик ривожи ҳақида гап кетганда, мавзу беихтиёр соҳа вакилларига берилаётган имконият ва имтиёзларга бориб тақалади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида тегишли давлат ва хўжалик органларида тадбиркорлик фаолиятига доир бир қатор тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш, ҳисоботларни топшириш ёки лицензия олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш каби кўплаб вазифалар белгилаб берилган эди. Унга кўра, айни пайтда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топшираётган бўлса, божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 11 июль — Аҳолишунослик кунига бағишлаб марафон ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур марафонда аёллар, маҳаллалардаги “Ораста ёшлар” ахборот-маслаҳат гуруҳлари тренерлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қатнашди.

**● Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос ва Сайхунобод туманларининг поликлиникаларига энг замонавий рентген аппаратлари ўрнатилди. Ушбу аппаратлар тезкорлиги, тасвир сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради.**

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши томонидан вилоятда ташкил этилган “Бунёдкор” меҳнат гуруҳлари шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Оҳангарон туманида фаолият олиб бораётган шундай меҳнат гуруҳининг 25 нафар аъзоси ҳудуддаги Мурувват уйини таъмирлашда иштирок этаётир.

**● Бухоро муҳандислик-технология институтида магистрларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.




## ОАВ ва интернет-журналистика истиқболлари

Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, жорий йил сентябрь ойида “Миллий интернет журналистикасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилади.

# Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Берлинда тақдим этилди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

У мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйган “LEMKEN Chirchiq” қўшма корхонасининг ишини ижобий баҳолади. “Уларга ўзбек фермерларида талаб катта эканлиги қувонарли ҳолдир”, деди Ян Возеик.

Тадбир чоғида “LEMKEN” компанияси томонидан пахта экадиган янги агрегат ишлаб чиқилгани ва у ҳозир республикамиз далаларида синовдан ўтказилаётгани маълум қилинди. Қайд этилишича, компания мазкур янги агрегатни яқин келажакда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

**Қуйи Саксония федерал ерининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бирлашмаси раиси ўринбосари Вилли Оттинг** Ўзбекистон билан самарали амалий шерикликни йўлга қўйишдан немис компаниялари манфаатдор эканлигини билдирди. У биогаз ускуналари ва қуёш модуллари ишлаб чиқарилиши, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш сингари соҳаларни ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари сифатида қайд этди.

В. Оттинг юқорида тилга олинган соҳалардаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ўзбекистонлик шериклар билан музокаралар ўтказиш мақсадида ўзи бошчилигида Германия ишбилармон доиралари делегациясининг мамлакатимизга навбатдаги сафарини уюштириш режалаштирилаётганини маълум қилди.

**“VTG Rail Logistics Deutschland GmbH” компанияси вакили Карл-Хайнц Шмидт** ўз чиқишида эътироф этганидек, Ўзбекистон улкан транспорт-транзит салоҳиятига эга. Компания вакили қишлоқ хўжалиги, саноат товарлари ва бошқа маҳсулотларни Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон темир йўллари орқали ташиш юзасидан орттирган иш тажрибаларини атрофлича ўртоқлашди. У немис компанияларини изчил юксалиб бораётган Ўзбекистон билан барча соҳаларда фаол ҳамкорлик қилишга чақирди.

**“Papenburg International GmbH” компанияси директори Кристиан Вальтер** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида ўз компаниясининг Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги фаолиятидан мамнун эканлигини айтди.

— Бугунги тақдимот немис ишбилармон доиралари вакилларига мамлакатингиз иқтисодий ривожланиши ва сармоявий имкониятларига доир батафсил маълумотлар билан танишиш учун жуда қулай имконият яратди, — деди у. — Намойиш этилган ҳужжатли фильм асносида Ўзбекистоннинг нафақат бой минерал-хом ашё, саноат ва интеллектуал салоҳияти ҳақида, балки унинг ноёб сайёҳлик имкониятлари тўғрисида ҳам атрофлича тасаввур ҳосил қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини яқинлашиб келаётган миллий байрамингиз — давлат мустақиллигининг 23 йиллиги билан қутлашни истардим. Бизларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этишига умид қиламан.

**“Ingenieurburo Dachroth” инженерлик бюроси раҳбари Норберт Дахрот** ҳам элчихонада ўтказилган ушбу тадбир фойдали ахборотларга бой бўлганини айтди. У Ўзбекистоннинг кейинги йилларда турли соҳаларда қўлга киритган диққатга сазовор муваффақиятларини алоҳида эътироф этиб ўтди.

— Мен яқиндагина Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида бунга шахсан гувоҳ бўлдим, — деди у. — Умуман олганда, ўзбек шерикларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун мен катта имкониятларни кўрмоқдаман. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий алоқалар келажакда бундан ҳам чуқурлашади. Шу боис биз катта сармоявий имкониятларга эга бўлган мамлакатингиз билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришдан манфаатдормиз.

Ўзбек халқининг тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муносабати билан мамлакатингиз раҳбарияти ҳамда халқига ўзимнинг қутловларим ва энг эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

**“RSW Holding GmbH” компанияси вакили Тереза Кремер** ўз компанияси ишлатилган шиналарни таъмирлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланишини маълум қилар экан, бу иқтисодиёт, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экологик хавфсизликнинг таъминланиши нуқтаи назаридан Ўзбекистондаги манфаатдор шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун жуда истиқболли йўналиш эканлигини қайд этди.

— Бугунги тақдимот маросими Ўзбекистоннинг жуда барқарор мамлакат ва сармоя киритиш учун ишончли шерик эканлигини яна бир карра намойиш этди, — деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*“Сув қурилиш бошқармаси” МЧЖ жамоаси айни пайтда Амударё туманида намунавий лойиҳалар асосида 10 та тураржой бунёд этмоқда.*

### Ҳам хизмат, ҳам ишлаб чиқариш

Қолаверса, жамоа бир қатор иншоотларда таъмирлаш ишларини ҳам олиб бормоқда. Эндиликда корхона аъзолари хизмат кўрсатишдан ташқари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида. Хусусан, яқинда жамият қошида йўлак қопламалари тайёрлаш ўзлаштирилди. Ўтган қисқа муддатда буюртмачиларга дастлабки 45 миллион сўмлик 4 минг квадрат метр ана шундай маҳсулот етказиб берилди.

— Бу ашёдан ўзимиз қураётган иншоотларда ҳам фойдаланаяпмиз, — дейди “Сув қурилиш бошқармаси” корхонаси раиси Ҳ. Хўжаев. — Ҳозир Оролбўйига четдан келтирилаётган янги турдаги қурилиш ашёларини ҳам ўзимизда тайёрлашга қаратилган лойиҳалар устида иш олиб бораяпмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бўш ётган биноларда янги корхоналар

*Иштихон туманилик Ҳамидулла Мингбоев шу пайтга қадар фойдаланилмай ётган бинода ўз бизнесини йўлга қўйди. У банкнинг молиявий кўмагида “Шинам Файз” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди.*

Ҳозир бу ерда 15 турдаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотимиз сифатли бўлишида малакали чеварларнинг ҳиссаси катта, — дейди Ҳ. Мингбоев. — Япониядан келтирилган энг сўнгги русумдаги тикув дастгоҳлари ҳам фаолиятимиз самарали бўлишига хизмат қилаяпти. Тез орада цехимизни янада кенгайтириш ниятимиз бор.

Туманда жорий йилнинг биринчи ярмида саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида 17 та корхона фойдаланишга топширилди, шундан олтитаси бўш турган иншоотлар негизида иш бошлади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Битирувчининг фермерларга тавсиялари

*Тошкент давлат аграр университети магистратура босқичини битирган Мусурмон Мирзаевнинг диссертацияси энг яхши тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этилди. Унинг ишида фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва юритиш ҳамда бизнес-режани такомиллаштиришга кўмаклашувчи бир қатор янги тавсиялар илгари сурилган.*

Жорий ўқув йилида ушбу илм даргоҳининг бакалавриат таълим йўналишини 1402, магистратура мутахассисликларини эса 201 нафар талаба тамомлади. Эътиборлиси, улар томонидан тайёрланган битирув-малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларининг 110 га яқини долзарб илмий аҳамияти билан мутахассислар эътиборига тушди. Хусусан, улар орасида фермер хўжаликлари учун тавсия этилаётган тежамкор технологиялар, ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва термитларга қарши курашишда ишлатиладиган воситалар, узум ва меваларни қуритишга мўлжалланган қурилмалар, интенсив кўчат етиштиришга оид тадқиқотлар ўзининг бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

АНЖУМАН

*Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Фольклор санъати — халқ дурдонаси” мавзуида республика оммавий-маърифий анжумани бўлиб ўтди.*

## Боқий қадриятларга эҳтиром

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севгим ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган ушбу анжуманда фольклоршунос олимлар, соҳа мутахассислари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва маҳаллалар фаоллари қатнашди.

Таъкидланганидек, ёшларни баркамол қилиб тарбиялашда миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлмиш қадимий халқ қўшиқлари, урф-одат ва анъаналар, турли маросимларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда халқ ижодиёти дурдоналарига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган номоддий маънавий меросимиз дурдоналарини асраб-авайлаш ҳамда уларни янги манбалар билан бойитишга алоҳида урғу берилмоқда.

— Аллаю лапарлар эшитиб улғайган боланинг қалбида миллий қадриятларга ўзгача меҳр жўш уради, — дейди тадбир иштирокчиси, Жиззах педагогика институти ўқитувчиси, фольклоршунос олим Раҳматилла Саримсоқов. — Зеро, маънавиятимизнинг бундай сарчашмаларида тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримиз мужассам.

Тадбирда халқаро кўрик-танлов ва фестиваллар совриндори “Дурдона” фольклор жамоаси, Олмазор туманидаги “Ҳилола” болалар фольклор жамоаси, Ангрен шаҳридаги ўланчилар гуруҳи ҳамда “Ёдгор” болалар гуруҳларининг халқ термалари, миллий қўшиқ ва рақсларидан иборат концерт дастури тадбир қатнашчиларига ғоят манзур бўлди. Анжуман доирасида Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, қўғирчоқсоз уста Мансур Қурёзовнинг ижодий ишлари асосида миллий қўғирчоқлар намойиши бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси бир мақсадга — халқимиз миллий қадриятлари даражасига айланган номоддий бойликларимизни келгуси авлодларга тўла-тўкис етказишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# Эркин фаолият самараси

## кичик бизнес вакилларининг бугунги ютуқларида кўзга яққол ташланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа вакилларини янада рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Тўғриси, биз, тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имконияту шарт-шароитларнинг кўлами ва миқёси ниҳоятда кенг, — дейди Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги “Эленза” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Йўлдош Эрназаров. — Жумладан, мазкур қарорни эмин-эркин ишлашимиз, янги марралар сари дадил қадам ташлашимизга қанот бағишловчи муҳим ҳужжат, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда корхонамизда 20 киши меҳнат қилаётган бўлса, улар томонидан тайёрланаётган, тиббиёт бирлашмалари ва ўқув муассасалари учун мўлжалланган 190 турдан ортиқ мебель жиҳозлари ҳамда спорт инвентарларини Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларига ҳам етказиб бераяпмиз. Шу йилнинг ўзида турли ҳудудлардаги 5 та туман тиббиёт бирлашмаси ва битта ихтисослаштирилган мактабни мебелларимиз билан жиҳозладик. Ишимизнинг янада баракали ва унумли бўлишида ўтган йили корхонамизни электр энергия билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 60 миллион сўмлик кичик электр станция қурганимиз қўл келаяпти.

— Ўзингиз айтинг, имкониятлар етарли бўлмаган тақдирда, — дейди “Зарафшон Караван” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳриддин Болтаев, — Қизилқумдек чўл бағрида бизнинг корхонамизга ўхшаш ишлаб чиқариш субъектлари пайдо бўлармиди?! Ўз хизматларимиз билан аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қила олармидик?! Мана, ўтган йили 117 минг АҚШ доллари эвазига Германиядан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида ҳудуд аҳлига сифатли нон ва қандолат маҳсулотларимизни тақдим этаяпмиз. Жамоамизда меҳнат қилаётган 60 нафар ишчи-мутахассис ўз меҳнати орқали даромад топиб, юртига наф келтираётганидан мамнун.



Чиндан ҳам, Президентимиз қарори ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, бугун республикамизда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани ана шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, бундай субъектлар шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Уларга берилаётган имтиёз ва енгилликлар эса соҳани янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррардир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# ЭНЕРГЕТИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Электр энергетика соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини ушбу жабҳадаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*Хусусан, янги энергетика қувватларини, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.*

ТАҲЛИЛ

Жумладан, 2005 йилда Толлимаржон иссиқлик электр станциясида 800 МВт қувватга эга энергоблок, 2012 йилда Навоий иссиқлик электр станциясида 478 МВт қувватга тенг бўлган, шартли ёқилғи истеъмолини 1,5 марта камайтириб, 300 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконини берадиган буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Тошкент, Толлимаржон, Навоий иссиқлик электр станцияларида худди шундай йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаяпти.

Бугунги кунда юртимизда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг қарийб 97 фоизи “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси тасарруфидаги электр станцияларига тўғри келса, қолган 3 фоизи эса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги гидроэлектр станциялар ҳамда йирик саноат корхоналарининг блок станцияларидан олинади. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили республикамиз электр энергетика тизимидаги мавжуд корхоналар томонидан жами 50 млрд. кВт. соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилган.

Электр энергетика тизимида ишлаб чиқаришни бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, соҳага ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, истеъмолчи ва таъминотчи муносабатларини тартибга солиш ҳамда соҳага доир бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсадида кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Тармоққа бозор муносабатларини фаол жорий этиш, хусусан, электр энергияси бозорини тўлиқ шакллантириш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Эътироф этиш жоизки, электр энергиясини ҳосил қилувчи қувватларни ошириш, магистрал ва тақсимлаш электр узатиш линияларини реконструкция қилиш бўйича “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси қабул қилган дастурлар асосида бир қатор истиқболли лойиҳалар, чора-тадбирлар, халқаро кредит институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда қатор инвестицион лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу билан бирга, компания фаолиятини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, айтайлик, WI-MIX тизими жорий этилса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки бу орқали энергетик объектларни бошқаришда аниқлик ва тезкорлик сезиларли даражада ошади.

Яна бир гап. Айни пайтда республика саноат корхоналарида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан ортиқ. Демак, бу каби камчиликларни бартараф этиш зарурати асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки аҳоли сонининг ўсиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ва маиший техника воситаларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларнинг жорий этилиши ва шу каби бошқа омиллар туфайли барча ҳудудларда электр энергиясига бўлган талаб ҳам, табиийки, ошади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатимизда электр энергиясига бўлган эҳтиёж 2013 йилдагига нисбатан икки баробар ортиб, 100 млрд. кВт соатдан ортиқ бўлиши кутилмоқда.

Истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан таъминлаш борасида баъзи ташкилий чораларни қўллаш ҳам яхши натижа бериши мумкин. Масалан, ижтимоий-маиший объектларни ва аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун ишлаб чиқариш корхоналарининг (пахтани қайта ишлаш заводлари, металл эритиш корхоналари ва ҳоказо) энергия истеъмоли режимини сутка давомида ўзгартириш таклифи. Бундай ҳолатда электр энергиясига табақалаштирилган (вақт бўйича) тарифлар жорий этилади. Дунёдаги ривожланган давлатлар шундай тажрибани амалда қўллашаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Айтайлик, Францияда электр энергияси учун тарифлар тизими шундай ташкил этилганки, ҳар бир истеъмолчи “пик” соатларда (яъни кўпчилик истеъмолчилар уланган соатларда) юклаш (нагрузка) максимумини пасайтиришдан, сутка зоналари ва йил фаслларида юклаш жадвалини “текислашдан” манфаатдор бўлади. Шу мақсадда, кундузги ва тунги, ёзги ҳамда қишки мавсумлар истеъмолчилари учун турлича тарифларнинг дифференциал (табақалаштирилган) ёндашуви қўлланилади. Яъни истеъмолчи энергия қиммат бўлган вақтларда уни камроқ ишлатишдан ўзи манфаат кўради.

Бундай тажрибаларни қўллаш учун, албатта, юқори аниқликдаги назорат-ўлчов асбоблари, ишлатилган энергия учун тўловларни қисқа вақт оралиғида амалга ошириш тизимини тўлиқ йўлга қўйиш талаб этилади. Тизимга АИИСКУЭни татбиқ этиш масаласига танқидий назар ташлаш лозим, яъни энергетика тизимининг қайси даражасигача уни жорий этиш, аҳоли истеъмолчилари учун эса олдиндан тўловларни амалга оширишга имкон берадиган, карточкали электр ҳисоблагичларни татбиқ этиш бу истеъмолчиларни ўзини ўзи назорат қилишига замин яратган бўлур эди.

Қолаверса, Ўзбекистон ҳудудидаги қайта тикланадиган энергия турларининг жами ва техник потенциалини баҳолаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг экологик хавфсизлиги, ўзлаштириш имкониятлари етарли бўлганлиги учун анъанавий энергия захираларимиздан фойдаланиш истиқболларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Чунки қайта тикланадиган энергия турларини ишлаб чиқариш шароитлари ва маиший ҳаётимизда янада кенг қўллаш электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишда табиий газдан сезиларли даражада камроқ фойдаланишга замин яратади.

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2013 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда Осиё қуёш энергияси форумининг ўтказилгани ва ушбу анжуманда давлатимиз раҳбарининг иштирок этиб, нутқ сўзлагани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, табиий бойликларимизни тежашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Гап муқобил манбалар хусусида борар экан, шамол-қуёш энергияси асосида электр энергияси ҳосил қилувчи гибрид электр станциялари каскадини жорий этиш самарали натижа беришини айтиб ўтиш жоиз.

Юқорида белгилаб берилган вазифаларни бажаришда кадрларнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Бу эса энергетика соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳам ҳамкорликни кучайтиришни талаб қилади. Чунки йиллар синовидан ўтиб шаклланган энергетика тармоғи учун кадрлар тайёрлаш режалари, албатта, тайёрланаётган мутахассиснинг энергетика тизимидаги ўрнини аниқ белгилаб олишни, у олий таълим муассасасини битирганидан сўнг қийналмасдан ўз фаолиятини бошлашини тақозо этади. Бунда, айниқса, битирувчи кадрларнинг энергетика соҳасига тезроқ мослашишларини таъминлаш учун адаптация марказларини магистрал электр тармоқлар ва ҳудудий электр тармоқ корхоналарида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугунги кун ва истиқбол талабларидан келиб чиқиб, иссиқлик электр станцияларида табиий газни тежаш мақсадида буғ-газ, газтурбина агрегатларини жорий этиш ва эксплуатация қилиш, турли ёқилғиларни қайта ишлаш ва самарали ёқиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича юқори малакали ходимларни тайёрлаш шу корхоналарда кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, энергетик хавфсизлик, энергиянинг қайта тикланадиган турларидан фойдаланиш, юқори кучланиш техникаси, метрология, стандартлаш ва энергетикада бошқарувнинг ахборот-коммуникация технологиялари, энергетик аудит, энергетик машинасозлик ва кабель техникаси тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш ҳам замон талаби бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, магистратурада тайёрланаётган мутахассис-кадрларнинг сифат даражасини ошириш учун ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ йўналишларда, жумладан, энергетика соҳаси учун магистратурага, қолаверса, кейинчалик докторантурага қабулни мақсадли равишда йўлга қўйиш ниҳоятда зарур. Яъни ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари талабларидан келиб чиқиб, тармоқ вазирлиги йўлланмасига асосан қабул қилинса, магистрлар конкрет йўналиш (мавзу) бўйича илмий тадқиқот институтининг тегишли лабораториясига (бўлимига) бириктирилса, умумижтимоийгуманитар ва педагогикага оид фанлар ўқитилиши тегишли олий таълим муассасасида олиб борилса айни муддао бўларди.

Мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг энергетика соҳасига қизиқишини шакллантириш, олий таълим муассасалари биринчи босқич талабаларига “Мутахассисликка кириш” каби предметларни ўқитишда, умуман, энергетика соҳаси ходимлари маънавий билимини бойитишда энергетика музейининг ташкил этилиши самарали натижалар беради, деб ўйлаймиз.

**Ҳаким МУРАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти директори, техника фанлари доктори, профессор.**



Хўжайлидаги “Регионал индустрия инвест” МЧЖ Устюрт газ-кимё мажмуасини бунёд этаётган “ЎзКорГазхимикал” қўшма корхонасини сифатли пишиқ ғишт билан таъминламоқда.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Бундан бир неча ой муқаддам кўплаб оммавий ахборот воситалари АҚШнинг Миссисипи штатида ОИВ хасталигидан бутунлай фориғ бўлган қизча ҳақида шов-шувли хабар тарқатган эди.*

### Вирус яна пайдо бўлди



Бироқ яқинда ўтказилган такрорий кўрикдан сўнг қизалоқда "ўлим вируси" яна пайдо бўлгани аниқланди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборотига кўра, жажжи беморга мамлакатдаги Аллергия ва юқумли касалликлар миллий институтида терапия муолажалари бошлаб юборилган. Мазкур институт директори Энтони Фаучи ушбу ҳодисани энг қайғули ҳолат, деб таъкидлади.

### Микроавтобус ҳалокати

*Хитойнинг Хунань музофотида боғча тарбияланувчиларини олиб кетаётган микроавтобус жарликка қулади.*

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги маълум қилди. Қайд этилишича, транспорт воситаси ичида бўлган 11 нафар йўловчининг барчаси воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Улардан саккиз нафари боғча болалари эди. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

### Ой Ерга яқинлашади

*12 июль, яъни бугун Ер юзи аҳолиси коинотда камдан-кам кузатиладиган ноёб ҳодисанинг гувоҳи бўлади. Ой Ерга 2 фоиз яқинлашади.*



Мазкур жараёнга олимлар "Ойнинг супер кўриниши", дея таъриф беришмоқда. Ушбу космик ҳодиса туфайли Ой одатдагидан 14 фоиз каттароқ ва 30 фоиз ёрқинроқ намоён бўлади. Бунинг атроф-муҳитга ҳеч қандай зарари йўқ.

"Ойнинг супер кўриниши" ҳар йили рўй беравермайди. Аммо баъзан бир йилда бир неча маротаба содир бўлиши ҳам мумкин. Эътиборлиси, 2014 йил шундай ҳодисанинг энг қизғин мавсуми экан. Чунки Ойнинг Ерга яқинлашиши январь ойида ҳам икки марта кузатилган эди. 10 август ва 9 сентябрь кунлари ҳам шундай ҳолат яна такрорланаркан.

### Планшетга талаб нега камаймоқда?

*Жаҳонда планшет қурилмаларини сотиш кўрсаткичи биринчи марта пасайди.*

Бу ҳақда "NPD" тадқиқот маркази хабар қилди. Унга кўра, шу йилнинг дастлабки чорагида 56 миллион дона планшет харид қилинган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллион дона камдир.

Экспертлар бундай ҳолат қайд этилишига Осиё бозорларида ишлаб чиқарилаётган смартфонлар сабаб эканлигини таъкидлашмоқда. Чунки мазкур қурилмалар қулайлиги ва барча функцияларга эгалиги билан планшетлардан ўзиб кетаётган экан.

### 100 километрга 2,8 литр

*Германиянинг "Мерседес-Бенц" компанияси шу йилнинг сентябрь ойидан эътиборан "S500 Plug-In Hybrid" русумидаги янги автомобиль савдога чиқарилишини билдирди.*



Мазкур автоуловнинг жуда кўп афзалликлари мавжуд. Жумладан, у 100 километр масофага 2,8 литр ёнилғи сарфлайди. Ички ва ташқи дизайни ҳам ҳар қандай харидорнинг диққатини ўзига жалб қила олади. Ҳозирча автомобилнинг нархи ҳақида аниқ маълумот йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Маълумки, мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш мушкул. Бундай лойиҳаларни рўёбга чиқаришда эса тижорат банклари ўз хизмат ва маблағларини тақдим этаётгани эътиборга молик. "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Асака филиали ушбу жараённинг фаол иштирокчиларидан биридир.*

# Мижоз ишончи — муваффақият гарови

Дарҳақиқат, мазкур филиал кредитларининг салмоқли қисми йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилаяпти. Мисол учун, "Автокомпонент" очиқ акциядорлик жамиятига имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилгач, бу ерда хорижнинг замонавий технологик линиялари ўрнатилиб, автомобилларнинг бутловчи қисмларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Энг асосийси, 40 кишининг бандлиги таъминланди.

Ёки бўлмаса, Асака туманидаги парранда гўшти ва тухум етиштиришга ихтисослаштирилган "Чинобод парранда" масъулияти чекланган жамиятини олиб кўрайлик. Мазкур корхонада мавжуд ускуна ва жиҳозлар эскириши оқибатида маҳсулот етиштириш ҳажми пасайиб кетаётган эди. Шундай мураккаб паллада жамиятга филиал томонидан имтиёзли кредит ажратилгани айни муддао бўлди. Ушбу маблағ ҳисобидан эса хориждан энг замонавий жиҳозлар олиб келинди. Айни пайтда 16 кишидан иборат жамоа аҳолига юқори сифатли ва арзон парҳез гўшт ҳамда тухум етказиб бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк филиали ходимларининг ташаббускорлиги, изланувчанлиги боис кўрсатилаётган хизмат турлари ҳам, улардан фойдаланувчи мижозлар сони ҳам тобора кўпаймоқда.



Жорий йилда ҳам филиал жамоаси ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундан кўзланган мақсад мавжуд ресурсларнинг ликвидлилигини сақлаш, сармояларни кредитларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъминлашдан иборатдир.

Кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида эса банкнинг кредит портфели тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оилавий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ҳажми 21,8 млрд. сўмга етиб, унинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлар эканлиги бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга ўтган йили 6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 6,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Филиал томонидан банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш юзасидан ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Бунда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ урғу берилмоқда.

Мухтасар айтганда, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Асака филиали маҳаллий молия бозорида истиқболли, жадал ривожланаётган, бозор муносабатлари шароитида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган молия муассасаси сифатида мижозлар ишончини қозониб бораётир.

— Бугунги кунда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида, хусусан, Асакада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда, — дейди "Марказий Осиё" масъулияти чекланган жамияти раиси Рустамжон Мадаминов. — Эски, кўримсиз бинолар ўрнида муҳташам иншоотлар қад ростлаяпти. Шунга яраша одамлар дунёқараши, турмуш тарзи ҳам ўзгармоқда. Бу эса, ўз навбатида, биз, ишбилармонлар зиммасига ҳам катта масъулият юклаб, аҳолига янада қулай хизмат кўрсатишни талаб этаётир. Шу мақсадда шаҳримиздаги савдо мажмуасини хусусийлаштириб олгандик. Лекин уни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун сармоя етмаётган эди. Бу борада "Асака" банкининг туман филиали бизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганидан мамнунмиз. Негаки, замонавий мажмуада 48 нафар ишчи меҳнат қилаяпти.

**И. АБДУЛЛАЕВ.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

---

Бухоро томонларда

*Бозордаги талаб ва эҳтиёжни таҳлил қилган "Камалак Шабнам Текс" МЧЖ тадбиркорлари корхона фаолиятини кенгайтириш фикрига келдилар.*

### Олти ойда йигирма олтита лойиҳа рўёбга чиқарилди

Бухоро шаҳридаги бу корхонанинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган бизнес лойиҳаси тижорат банкининг қўллаб-қувватлаши натижасида рўёбга чиқди. Тадбиркорлар молиявий муассаса ажратган 200 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий дастгоҳлар келтиришди.

Бу — шаҳарда саноатни ривожлантириш дастури доирасида жорий йилнинг ўтган 6 ойида амалга оширилган йигирма олтинчи лойиҳадир. Ушбу мақсадлар учун жами 29 миллиард 172 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди.

### Саломатлик учун фойдали

*Шофиркон туманидаги "Амон Вафо ифтихори" фермер хўжалиги жамоаси ёғли ва ёғсиз бринза тайёрлаш технологиясини ўзлаштирди.*

— Бу маҳсулотлар инсон саломатлиги учун жуда фойдали, — дейди хўжалик қошидаги сутни қайта ишлаш корхонаси технологи Феруза Солиева. — Шифокорлар, хусусан, болаларга ёғли бринзани кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этишлари ҳам бежиз эмас. Бир тонна сутдан юз килограмм шундай маҳсулот тайёрлаш мумкин. Биз бундан сал аввалроқ пишлоқ ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйгандик. Айни пайтда кунига 1,5 тонна сутни қайта ишлаб, 7 турдаги тайёр маҳсулотларни буюртмачиларга жўнатаяпмиз. Келгусида корхона фаолиятини кенгайтириш ниятидамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

---


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

NBU

**компьютер ускуналарини етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.**

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 10 календарь кун мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендер ҳужжатлари тендерда қатнашиш учун буюртманома юборган ва малака танловидан ўтган шахсларга берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини (оферталарни) қабул қилиш, улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 46 календарь кун ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 17.00 да тўхтатилади.

**Буюртманома шаклини ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини (оферталарни) юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.**

**Телефон: (+99871) 234-42-86. Интернет-сайт: www.nbu.com**
**Алоқада бўлувчи шахслар: Ҳамроқулова Гўзал Раҳматходжаевна, Раҳимов Равшан Ҳамидович.**

*1050А/305*



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги 1-110/13-сонли ажримига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Мирзо Улуғбек» ФХХУ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 273 685 540 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 29 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 25 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

*1054R/1453*


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**

**компьютер техникаларини харид қилиш бўйича**

**танлов эълон қилади.**

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига **«Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга»** сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда **«Техник қисми»** ва **«Тижорат қисми»** сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

***Танлов бўйича таклифлар 2014 йил 11 август куни соат 17.00 гача қабул қилинади.***

Танловнинг максимал баҳоси — 216 213 000 сўм.
Танлов ҳужжатларининг баҳоси — 192 210 сўм.

**Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 35-уй. Телефон: (8-371) 120-76-76 (ички телефонлар: 38-73, 38-72).**

Ҳ/р: 21506000000447987010, МФО: 00014, ОКОНХ: 97200, СТИР: 200637640 ЎзРес МБ ҲКМ.

*1044R/536*



**МЧЖ «KRANTAS»**
**шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади:**

**БЕНЗИНТАШИГИЧ**
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида

Буюртма асосида




**АВТОЦИСТЕРНАЛАР-СУВ ТАШУВЧИ**
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида

Буюртма асосида




КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

**ВАХТА УЧУН АВТОБУС**
«КамАЗ» шассисида (6х6) 20-24 одамга

Буюртма асосида



**СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА**
«ISUZU», «КамАЗ» шассисида

Буюртма асосида




(8-371) 262-97-78, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 972-52-77. **www.ttemz-kran.uz**



**ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:**

**АВТОКРАНЛАР** *юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.*

Буюртма асосида




Буюртма асосида




КАФОЛАТ 1 ЙИЛ

**САМОСВАЛЛАР**
*«HOWO SINCTRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 25 т.*

Буюртма асосида




**КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР**
*«ISUZU», «КамАЗ» шассисида, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.*

Буюртма асосида



**Телефонлар:**
**(8-371) 262-97-78,**
**тел./факс: 262-23-61,**
**(+99890) 187-52-05,**
**(+99890) 315-99-17.**
**www.ttemz-kran.uz**

*1943R/1062*




Тошкент вилояти: Бекобод шаҳрининг Цементчи маҳалласида замонавий истироҳат боғининг фойдаланишга топширилиши билан ҳудуд аҳлининг маданий ҳордиқ чиқариши учун янада қулайлик яратилди.

# Меҳнатсевар, оқила, ташаббускор

## хотин-қизларимиз юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг муҳим омили

Шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга оид катта тажрибага эга бўлди. Бугун бемалол дунё хотин-қизлар ҳаракатининг диққат-эътиборида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга ҳисса қўшаётган мазкур тажрибани жаҳонга кўрсатиш мумкин. Чунончи, 2013 йилнинг 30-31 май кунлари "Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида ўтказилган халқаро конференция муайян маънода бу борадаги тажрибалар намойишига айланди. Ушбу муваффақиятларимизда юртимизда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси ҳамда уни амалга ошириш механизмларининг яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

— Яқинда 70 ёшни қарши олдим, — дейди қашқадарёлик пенсионер Рўёб момо Худойназарова. — Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни ҳар гал телевизор орқали кўриб, фарзандларимдан эшитиб, очиғи, ҳайратланаман. Айниқса, аёлларга берилаётган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, куч-қувватга тўла даврим уйда, болалар қуршовида, далада ўтганини эслайман. Оддий қишлоқ аёлининг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Уй-рўзғор ташвишлари билан ўралашиб қолгандик. Бугун эса Ватанимизда аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, манфаатлари қонун доирасида ҳимоя қилинаяпти. Буни бежиз айтмаяпман. Ўтган йили кичик келиним фарзандли бўлиб, бола парвариши учун икки йиллик таътилга чиқди. "Хоҳишимга кўра, яна бир йил имтиёз асосида уйда ўтиришим мумкин экан", дейди у ғururlaниб. Яна бир қатор қонунларни санаб, уларда ҳам хотин-қизларга берилган қўшимча имтиёзлар, енгилликлар ҳақида гапиради. Унинг гапларини эшитиб, буларнинг барчаси Мустақилликнинг шарофати, дейман кўнглим кўтарилиб.

### Жамият ҳаётидаги нуфузи ортмоқда

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Бугун аёлларнинг сиёсат майдонида, иқтисодиёт, саноат тармоқларида, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида, умуман, барча жабҳада фаоллиги ортиб бораяпти. Хусусан, парламент қуйи палатаси депутатларининг 22, юқори палатаси аъзоларининг 15 фоизини аёллар ташкил этаётир. Уларнинг ижро, суд ҳокимиятлари органларидаги ўрни ҳам анча юқори. Қолаверса, ўз бизнесини йўлга қўяётган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганини кўриш мумкин. Мисол учун, 2007 йилда бу борада 90,1 млрд. сўмлик кредит йўналтирилган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 700 млрд. сўмга етди. Натижада минглаб хотин-қиз ўз бизнесини ташкил қилиб, оиласи, эл-юртимиз учун наф келтирмоқда.

— "Соғлом бола йили" Давлат дастурига биноан, аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларининг камида эллик фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилаётир, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан 449,4 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу айни чоғда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда қўл келмоқда. Қолаверса, яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аёл тадбиркорлар ўртасида ўтказилган "2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси" танлови кўплаб иқтидор эгаларини кашф этди. Ғолибларнинг ижтимоий аҳамиятга эга 15 та бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан 410 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.









Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

— Болалигимдан касб-ҳунар ўрганган одамнинг рўзғори доимо бут бўлишини англаб етганман, — дейди оҳангаронлик тадбиркор, "Оҳангарон Покизахон" хусусий корхонаси раҳбари Зарифахон Баҳодирова. — Оддий сават тўқиб, оила бюджетига, озми-кўпми, ўз ҳиссамизни қўшардик. Мустақиллик менга тадбиркор бўлиш имкониятини яратиб берди. Ҳозир корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 150 турдаги маҳсулотларимиз билан ички бозорни таъминлаб турибмиз. Мақтаниш эмас-у, ўзимизда тайёрланаётган болалар каравотларидан тортиб, уй-жой учун зарур бўладиган мебель жиҳозларини кўрган одам уларнинг хорижникидан асло кам эмаслигига амин бўлади. Оддий қишлоқ аёли сифатида эришаётган бу ютуқларимиз замирида Президентимизнинг бизларга билдираётган катта ишончи мужассам, десам, асло муболаға бўлмайди.

### Бир қизни тарбияласанг…

Ёшларни оилага тайёрлаш, айниқса, ҳар томонлама соғлом, жисмонан етук қизларни тарбиялашда спортнинг ўрни бениҳоя катта. Шу сабабли ҳам юртимизда хотин-қизлар орасида спортни оммалаштиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида қиз болаларнинг саломатлигини асраш, жисмоний тарбияга бўлган қизиқишини кучайтириш, айниқса, қишлоқ жойларда спортни оммалаштириш, аёл мураббийларни рағбатлантириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Хусусан, спорт билан мунтазам шуғулланадиган 6 — 15 ёшдаги болалар сони бир неча баробар ортди. Таққослайдиган бўлсак, 1991 йилда спорт билан шуғулланувчи қиз болалар сони 72 326 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб 842 минг нафардан зиёд қиз спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан шуғулланмоқда.

— Болалигимдан спортнинг синхрон сузиш тури билан мунтазам шуғулланиб келаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, 16 ёшли Хуршида Ҳакимова. — Ютуқларим ҳақида гапирадиган бўлсам, 2010 — 2013 йилларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида ғолибликни қўлга киритиб, 4 карра Ўзбекистон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлдим. 2010 йили Малайзияда ўтказилган "Осиё ва Тинч океани" 2-очиқ чемпионатида кумуш, 2012 йили Индонезияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бронза медалларни қўлга киритдим. Ҳали олдинда катта мусобақалар бор. Юртбошимизнинг бизга билдирган ишончларини, албатта, оқлашга, шу юрт учун муносиб фарзанд бўлишга астойдил интиламиз.

Мухтасар айтганда, бугун Хуршида сингари кўплаб қизларимиз спорт ареналарида, халқаро фан олимпиадаларида, санъатда улкан муваффақиятларга эришаётгани барчамизни ғурурлантиради. Ўзбек аёлларининг бошқалардан асло кам эмасликларини исботлаб, салоҳиятию имкониятларини тобора кенгайтираётгани, шубҳасиз, бу борада рўёбга чиқарилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт

*Таиланднинг Бангкок шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган "Singha-BEC TERO Women Circuit" халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.*

## Сабина — ярим финалда!

ТЕННИС



Унда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сабина Шарипова зафарли одимини давом эттираяпти, дейилади Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати томонидан тарқатилган хабарда.

Чорак финалда япониялик Канае Хисамига қарши кортга чиққан ҳамюртимиз 6:4, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди ва ярим финалга йўл олди. Ушбу босқичда Сабина мезбонлар вакиласи Варатчая Вонгтеанчаи билан баҳс юритади.

## Ҳамюртларимиз совриндор

КУРАШ

*Канаданинг Гуэльф шаҳрида спорт курашлари бўйича катталар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.*

Мазкур мусобақада икки нафар эркин курашчимиз — Эркин Тожиметов (-61 кг.) ва Музаффар Абдураҳмонов (-74 кг.) бронза медалини қўлга киритди.

## Мамлакат чемпионати бошланди

*Пойтахтимизда сузиш бўйича 14 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 450 нафарга яқин ўғил-қиз ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.*

СУЗИШ



Биринчи куни кечган баҳсларда иштирокчилар 100 ва 1500 метр масофага эркин, 200 метрга баттерфляй усулда маҳоратларини намойиш этишди. Ўз ёш тоифасида Суннат Муҳаммаджонов, Егор Петряков, Тимур Аҳмадулин, Ян Сароев каби сузувчилар муваффақиятга эришди. Қизлар ўртасида Нигора Мирзоҳидова, Севара Усмоний, Анастасия Зилинская, Диана Алгайр олтин медалга сазовор бўлди.

Кеча 50 метрга брасс ва баттерфляй, шунингдек, 200 метр масофага эркин ҳамда чалқанча усулда сузиш бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Чемпионат беллашувлари 13 июлга қадар давом этади.

**Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**

# Ўзи тебранадиган бешиклар хорижга сотилмоқда

*"Норин қалдирғочи" хусусий корхонаси жамоаси таркибини, асосан, Ҳаққулобод шаҳрида яшовчи Робия Бозорованинг оила аъзолари ташкил этади.*

Уларнинг ўзи тебранадиган бешикни ихтиро қилишганига кўп бўлмади. Шунга қарамай, бу маҳсулотга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида Хитой ва Россиядаги буюртмачиларга 100 дона ана шундай бешик етказиб берилди.

Шунингдек, бу ерда миллий эртак қаҳрамонлари қиёфасини акс эттирган ёғоч қўғирчоқлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Яқинда Робия опа икки минг дона қўғирчоқ тайёрлаш учун буюртма олди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ХИЗМАТ

*Шаҳрисабзлик Ойбек Қўчқоров хорижий сайёҳлар ва бошқа меҳмонлар учун антиқа — "Дўлон" меҳмонхонасини ишга туширди.*

# Мозий меҳмонхонаси

15 ўринли мўъжаз меҳмонхонанинг одатдагилардан фарқи шундаки, унда дам олувчилар қарийб олти асрлик тарихга эга бўлган атласу адраслар, ҳунармандлик, кулоллик ва уй-рўзғор буюмлари билан танишишлари мумкин.

XV асрга мансуб тарихий обида негизида "Кеш-Рубинтур" МЧЖ томонидан барпо этилган меҳмонхонада ташриф буюрувчилар учун қадимий анъаналар бўйича махсус ҳужра-қабулхона ҳам ишга туширилди. О. Қўчқоровнинг таъкидлашича, "Дўлон" ер ости ўтиш жойи маъносини билдиради ва бу ном машҳур Оқсарой ёдгорлиги яқинидаги жойлардан бири билан боғлиқ. Меҳмонхонада қадимий анъаналар баробарида, мижозлар учун замонавий шарт-шароитлар ҳам яратилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «O'zbekiston Respublikasi Tovar-xom ashyo birjasi» ОАЖнинг 2014 йил 10 июлдаги 14/3857-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «Nexia» русумли, давлат рақами 01/430 YBA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 25 208 000 сўм.***

**2.** «Damas» русумли, давлат рақами 01/436 YBA бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 17 306 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 13 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 11 август куни соат 18.00.

Автотранспорт воситалари 13 августдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 21 ва 29 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 21 августдаги савдолар учун — 19 август куни соат 18.00, 29 августдаги савдолар учун — 27 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1056А/1452

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 апрелдаги 21-1407/752-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, Алоқа кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 504,92 кв.м., фойдаланиш майдони 352,51 кв.м., умумий майдони 405,17 кв.м. бўлган А, А1, А2, А3, Б, Б1, а, б, в-литерлардаги 14 хонадон иборат савдо дўкони ва қаҳвахона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 15 август куни соат 11.00 да Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биносида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 13 август куни соат 12.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1055А/1453


# Ҳунармандлар музейи очилди

*Фарғона вилоятининг Риштон туманида янги музей иш бошлади.*

ЯХШИ ХАБАР

Гап шундаки, Республика "Ҳунарманд" уюшмасининг туман бўлими "Риштон туманида керамика (кулоллик) музейини ташкил этиш" деб номланган лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 14 миллион сўмлик грантини қўлга киритган эди. Айни пайтда музейда ўзига хос бетакрор услуб ва рангларга эга бўлган Риштон кулоллигининг кўп минг йиллик тарихига оид экспонатлар ва унинг XIX — XX асрларда яшаб ўтган намояндалари ижодий ишларидан намуналар қўйилган.

Янги музейнинг очилиши ҳукуматимиз томонидан халқ ижодиётига, миллий қадриятлар, шунингдек, амалий санъатига қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти жамоаси биология фанлари доктори, директор Бобоқул Тўхтаевга падари бузруквори **Ёрқул ТЎХТАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси Электроника ва автоматика факультети Назарий электротехника ва электрон технологиялар кафедраси профессори **Йўлдошхон РАШИДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси "Стром" илмий тадқиқот ва синов маркази катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Найля Маҳмудовага падари бузруквори **Камил ҲАСАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Сирдарё: Иқтидорли ёш ижрочиларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5